



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 198 (13.011)

Баҳоси эркин нарҳда

Шаҳримиздаги "Yakkasaro" технопаркида тадбиркорлик субъектлари учун яратилаётган кенг имтиёзлар самарадорлиги кўрсаткичларини аниқлаш, корхоналар маҳсулотлари тўғрисидаги маълумотларни истеъмолчиларга етказиш бўйича олиб борилаётган ишлар кўламини ошириш, Тошкент шаҳар Бинолардан фойдаланиш департаменти қошида ташкил қилинган технопарклар фаолияти ва эришилган ютуқларни оммавий ахборот воситалари орқали намойиш этиш мақсадида матбуот анжумани ўтказилди.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЕНГИЛЛИК ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга қўтаришда муҳим дастурамал бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтишди.

— "Yakkasaro" технопаркида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг сони ҳозирда жадаллик билан ўсиб бормоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси Рустамбек Баратов. — Мазкур технопарк ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаганига қарамай, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга бир қатор имтиёзлар ва қулайликлар яратиб бермоқда. 2014 йили технопарк ҳудудида ўнга яқин тадбиркор иш бошлаган бўлса,

жорий йилнинг бошида бу кўрсаткич 167 тани, шу йилнинг ўтган 9 ойи натижаларига кўра 205 та тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Бинобарин, тадбиркорлик субъектлари яратаётган янги иш ўринлари ҳам мос равишда ўсиб бормоқда. Рақамларга назар солсак ўтган йилнинг бошида технопаркда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан 1062 та янги иш ўрни яратилган бўлса, бугунги кунга келиб ушбу кўрсаткич 5713 тани ташкил этмоқда. "Yakkasaro" технопарки фаолияти тадбиркорларга ишлаб чиқариш майдонларини имтиёзли шартларда ижарага бериш орқали уларнинг иқтисодий ҳаётида янги амалга оширишга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

2014 йилда собиқ "Тошкент тўқимачилик комбинати" ОАЖ ҳудудида ташкил этилган "Yakkasaro" технопарки ҳудудида юқорида таъкидланганидек, 205 та тадбиркорлик субъектлари саккиз йўналишда ўз фаолиятларини юритиб келмоқда. Жумладан, енгил саноат йўналишида 51 та, кимё-энергетика бўйича 44 та, озиқ-овқат саноатида 20 та, ёғочни қайта ишлаш саноати йўналишида 21 та, қўғоз саноатида 16 та, металл қайта ишлаш бўйича 11 та, машинасозлик борасида 4 та ҳамда бошқа саноат йўналишлари бўйича 38 та корхона ўз ишини йўлга қўйган.

(Давоми 2-бетда)

"DEFENSE JOURNAL": "ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ"

Покистонда нашр этиладиган "Defense Journal" журналининг навбатдаги сониди "Ўзбекистон мўъжизаси" сарлавҳали мақола эълон қилинди.

Покистон Марказий банки Таҳлил бошқармасининг етакчи эксперти Маҳмуд Ул-Ҳасан қаламига мансуб мазкур мақолада мамлакатимиздаги иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган туб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, саноатнинг диверсификация қилиниши, банк тизимининг босқичма-босқич либераллашуви ҳамда уларнинг натижаси ўлароқ, аҳоли фаровонлигининг ошгани чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этилган.

Мақолада ислохотларнинг асосий босқичлари, сўнгги йиллар давомидаги макроиқтисодий кўрсаткичларимиз ҳақидаги атрофлича маълумотлар ўз аксини толган. Журналда ёзилишича, Ўзбекистон суверен ривожланиш йиллари давомида ички ва ташқи қарзи паст даражадаги, фавқулудда муваффақият билан ривожланаётган мамлакатга айланди.

Маълум қилинишича, Жаҳон банки маърузасида қайд этилганидек, дунё иқтисодиётидаги мураккаб таъминотлар ҳамон ўз таъсирини кўрсатиб турганига қарамайдан, республикада барқарорлик намоён бўлмоқда. Хусусан, саноатни ва инфратузилмани модернизациялаш, шунингдек, хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари қабул қилинган тўғрисида 2015 йили ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши доимигидек юқори бўлиши башорат қилинмоқда.

Шунингдек, мақолада Ўзбекистоннинг чуқур ўйланган фаол сармоявий сиёсати ҳам юқори баҳо берилган. "Бу йўналишдаги стратегиянинг ўзига хос жиҳати шундаки, хом ашё ресурслари чуқур қайта ишланишини таъминлайдиган янги, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни барпо этишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, ўтган йил якунлари бўйича иқтисодиётга сармоя

қиритиш ҳажми 10,9 фоиз ошгани ҳолда, 14,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этди", дея ёзилади нашрда.

Муаллиф кейинги йиллар давомида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ҳаракатлантирувчи кучи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўлиб қолаётганини алоҳида таъкидлайди. "Мустақиллик қўлга киритилгунгача кичик бизнес умуман бўлмаган республикада бугунги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизи иқтисодиётнинг шу жабҳаси ҳиссасига тўғри келмоқда".

Мақолада мамлакатимиз банк тизимининг замонавий ривожланишига алоҳида бўлим ажратилган. Маълум қилинганлиги, Ўзбекистонда изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ислохотлар натижасида банкларнинг капиталлашуви ва депозит базаси даражасининг юқори ўсиши, уларнинг барқарорлиги ва юқори рейтинг кўрсаткичлари ҳамда иқтисодиётнинг реал жабҳасини кредитлаш ҳажмлари кенгайиши таъминланмоқда.

Кейинги йиллар давомида дунёнинг етакчи рейтинг агентликлари республика банк тизимини "Барқарор" деб баҳолаётгани ҳам мақолада алоҳида таъкидланган. "Standard & Poor's" халқаро рейтинг агентлиги ҳисоботида қайд этилишича, МДҲ ҳудудидаги айрим мамлакатлар рейтинг кўрсаткичларида пасайиш кузатилаётган шароитда, Ўзбекистон банк тизимининг ҳолати "Барқарор", деб баҳоланди.

Мухтасар айтганда, мазкур мақолада Покистон жамоатчилигини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг салмоқли натижаларини ҳамда мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ҳақидаги атрофлича маълумотлар билан яқиндан таништирилган.

"Жаҳон" АА,
Исломобод



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Самарқанд шаҳрида "Бетакро-римсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида "Мен — "Камалак" аъзосиман!" лойиҳаси ўтказилди. Унда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд шаҳар "Камалак" болалар ташкилотига аъзоликка сайланаётган ёшлар қўланди. Ҳар бир ёшнинг иқтидорини юзага чиқариш, маънавий томондан қўллаб-қувватлаш борасида ташкилот томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди.

● Наманганда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тайёрлашда ахборот-маслаҳат, услубий ёрдам кўрсатиш, уларнинг лойиҳаларни ижтимоий шерикликда амалга оширишдаги билим ва кўникмаларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари оилаларига мўлжалланган 70 хонадондан иборат беш қаватли замонавий уй фойдаланишга топширилди.

● Фарғона вилоятида ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида жорий йилнинг ўтган даврида вилоятда 226 кишига ногиронлар аравачаси, эшитиш мосламаси ва бошқа зарур жиҳозлар тарқатилди. Мингдан зиёд меҳнат фахрийси сиҳаттоҳларда бепул саломатлигини мустаҳкамлади.

ЖАҲОНДА

● АҚШнинг электр автомобиллар ишлаб чиқарувчи "Tesla Motors" компанияси Европада ўзининг биринчи заводини очди. Нидерландиянинг Тилбург шаҳрида фаолият бошлаган мазкур корхона йилига 500 минг донна машина ишлаб чиқариш қувватига эга. Янги заводда "Model S" седани модификациясини йиғиш имконияти ҳам яратилган.

● Янги Зеландиянинг сут ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган дунёга машҳур "Fonterra" компанияси жорий йилда 317,36 миллион АҚШ долларини микдориди даромад олишини маълум қилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан уч баробар кўп. Компания фаолиятидаги ижобий ҳолат йилнинг иккинчи ярмида сут маҳсулотларига бўлган талабнинг ортиши билан боғлиқ.

● Тайваннинг шимоли-шарқий соҳилларига "Дуцзюань" номли тўфони етиб келди. Энди у Хитой томон ҳаракатланмоқда. Хитой метеорология бошқармасининг хабар қилишича, табиий офат марказида шамолнинг тезлиги сониясига 48 — 50 метрни ташкил этган.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

ИЖОДИЙ ҒОЯЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг 2014 йил ҳамда 2015 йилнинг биринчи ярмида давлат субсидияси бўйича олиб борган фаолиятига доир ҳисоботи муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси ўринбосари Г.Алимова, Жамоат фонди директори А.Тўраев, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси раиси Ф.Абдухалиқов ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида жамият ҳаётининг турли жабҳаларини ислоҳ этиш жараёнида аҳолининг барча қатламларини ҳимоялаш, жамоат тузилмаларининг

самарали фаолият кўрсатиши учун етарли шароит ва имкониятлар яратиш масалаларига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда яратилган миллий қонунчилик механизми нодавлат нотижорат ташкилотларининг манфаатларига риоя этилишини давлат томонидан таъминлаш, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратилишида муҳим омил бўлмоқда.

Парламент комиссияси фуқаролик жамияти институтининг бўғинларидан бири — оммавий ахборот воситаларининг илғор ташаббусларини қўллаб-қувватлашга фаол ҳисса қўшиб келмоқда. Комиссия кўмағида "Олтин қалам", "Йилнинг энг фаол журналисти" каби ижодий танловлар, турли конференциялар ўтказилаётгани медиа соҳа ходимларининг касб маҳоратини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва унга аъзо бўлган қўллаб медиа тузилмалар, ҳудудий телерадиостанциялар, ижодий студияларнинг бир қатор лойиҳалари, илғор ғоя ва ташаббуслари ҳам Парламент комиссиясининг кўмағи билан давлат субсидияси, ижтимоий буюртма, давлат гранти шаклида ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Ўтказилган семинар-машғулотлар, маҳорат дарслари, давра суҳбатлари, халқаро анжуманлар нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятини кенг ва атрофлича ўрганиб, таҳлил этиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаш, соҳа ходимларининг билим ва малакасини юксалтириш, таҳририятлар фаолиятини самарали йўлга қўйишга хизмат қилгани билан аҳамиятлидир.

"Озод юрт тўлқинлари", "Журналистлар баҳори" анъанавий медиа фестиваллари мамлакатимизда тинчлик ва ижтимоий барқарорликни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, миллатлараро тотувлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлаш, ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда эришилган улкан ютуқ ва марраларни юртдошларимизга тасвирчан тарзда етказишга интилаётган ёш ижодкорларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

Йиғилишда ассоциациянинг истиқболдаги лойиҳалари атрофлича муҳокама этилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

